

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИ ТАРЖИМОНШУНОСЛИГИНИНГ
АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7481226>

Махмудов Равшанбек Жалилович
Гулистон давлат университети
профессори, ф.ф.н

Аннотация

Янги Ўзбекистон, тараққиёт стратегияси, манба, таржима, Уйғониш даври, Марказий Осиё мутафаккирлари, қўлёзма, тошбосма, аслият, тил тараққиёти.

Кириш. Ўзбекистонда сўнги олти йилда катта ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда илм-фанга, ёшларга, мактабга, олий таълимга эътибор тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари томонидан таараққиёт миллий ғояга, инсон дунёқарашига, билимга, билимга, яна билимга боғлиқ эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда.

Навоий вилоятида навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессияда мамлакат раҳбари ёшларга эътиборни янада кучайтириш, ўқишга киришга шароит яратиш, иш билан таъминлаш долзарб вазифа эканлиги айтиб ўтилди.

Инсон камолотида китобнинг ўрни беқиёс. “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш”га, миллий тараққиётимизнинг янги босқичига кадам қўяр эканмиз, тилимизга “Янги Ўзбекистон”, “янги дунёқараш”, “янги ғоя”, “янги инновация”, “миллий юксалиш”, “халқ давлатдан рози бўлсин” каби кўплаб янги иборалар, тушунчалар, янгича мазмунда истеъмолга кириб келди. Бунинг асосий сабаби, “Янги Ўзбекистон”ни янгича ривожланиши илм фанни, маънавий меросларни ўрганиш учун бир неча янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди {1.17}.

Асосий қисм: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзаевнинг “Қадимий ёзма манбааларини сақлаш, татқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги {2.1} “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлан дастури тўғрисида”ги, “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жихатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларининг қабул қилиниши илм-қан тараққиётида, айниқса таржимоншунослик соҳасидаги кплаб муаммоларни хал қилинишига амалий ёрдам беради деб ўйлайман{3.2}.

Манбааларда келтирилишича, Марказий Осиёдан икки мингдан ортиқ алломалар етишиб чиққан. Аммо илм аҳлига уларни бор йўғ-и, элликтачасини номи маълум холос. Мухтарам Президентимизнинг 2020 йил 16 апрелдаги Қарорида “Шарқ мамлакатларининг тиллари, тарихи, маданияти, моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, уларнинг замонавий антропология ва этнологияси, таржимоншунослик, шунингдек, туризм ва гит ҳамкорлиги соҳаларида замонавий билимларни мукамал эгаллаган меҳнат бозори учун рақобатбардош бўлган кадрларни тайёрлаш”, -зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

XV асрда Мовароуннахрда Алишер Навоийнинг дўсти, маслакдоши, устози, Хусайн Воиз Кошифий яшаб ўтган. Мутаффақкир, адабиётшунос, тилшунос, астроном, математик, кимё, фикҳ, тасаввуф, тарих, ахлоқ, нафосатга оид 200 дан ортиқ асар ёзган. Камолиддин Хусайн Воиз Кошифий асарлари XV-XX асрларда фин, немис, инглиз, француз, рус, турк каби ўнлаб тилларга таржима қилинган. Афсуски, мутаффақкирнинг “Ахлоқи мухсиний” ва “Футуватномаи султоний” асарларигина ўзбек тилига таржима қилинган,

холос. Холбуки, Хусайн Воиз Кошифийнинг воизлик санъатига, поэтик санъатларга, тилшунослик, адабиётшуносликка оид ўнлаб асарлари бутун Мовароуннахр мадрасаларида, ўқув масканларида дарслик, ўқув қўлланма сифатида фойдаланилганлиги манбаалардан маълум. Мутафаккир асарларини ўзбек тилига таржима қилинмаганлигининг биринчи сабаби, асарлари мураккаб форс тилида ёзилганлиги, иккинчидан, Кошифий асарлари машхур хаттот Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган бўлишига қарамай насталих ёзувининг райҳон услубида бўлганлиги учун ўқиш, таржима қилиш қийин бўлган. Учинчидан, Хусайн Воиз Кошифийни кўпгина олимлар теолог, дин пешвоси, илоҳиятчи, тасаввуфга оид асарлари кўп деб тушунилиши ҳисобига асарлари таржимасига беэтибор бўлинган.

Хусайн Воиз Кошифий-таржимон. Мутафаккир III–IV асрларда Ҳиндистонда яратилган машхур ҳинд ҳикматномаси «Калила ва Димна» асарини араб тилидан форс тилига таржима қилган. Чунки Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган бу асарни оддий халқни тушуниши қийинлашиб қолади. Хусайн Воиз Кошифий асарни фақат таржима қилиб қолмайди, балки уни янгидан ижодий ёзади.

Биринчи галда, асарни оддий халқ тушунадиган қилиб соддалаштиради. Кўп жимжимадор сўзларни, бирикмаларни олиб ташлайди. Асарга жуда кўп қўшимчалар киритади. Янги боб, мазмун билан бойитади. Асарни «Анвори Суҳайлий» деб номлайди.

Академик Воҳид Зоҳидов «Калила ва Димна»га ёзган сўз бошисида бу асарни Хусайн Бойқаронинг буйруғи билан Воиз Кошифий таржима қилди, – дейди. Адабиётшунос Раҳим Воҳидов эса шундай ёзади: «...Аммо XV асрга келиб бу асарни («Калила ва Димна» – Р.М.) тушуниш анча қийинлашиб қолади. Буни ҳисобга олган Шайхим Суҳайлий ўз даврининг забардаст олими ва ёзувчиси Хусайн Воиз Кошифийдан шу асарни қайта таҳрир қилишни илтимос қилиб, унга барча шарт–шароитларни яратиб беради. Иш-ни ниҳоясига етказган Хусайн Воиз Кошифий Суҳайлийга бўлган чексиз

эҳтироми рамзи сифатида янги таҳрирдаги китобни «Анвори Суҳайлий» деб атайти, дейди¹. Бизнингча, ҳар икки фикрда ҳақиқат бор бўлса керак. Асарни таржима қилишга Ҳусайн Бойқаро буйруқ берган, Суҳайлий эса Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ишлаши учун шарт-шароит яратиб берган бўлиши мумкин. Шунинг учун Ҳусайн Воиз Кошифий асарни Суҳайлийга бағишлаган бўлиши ҳақиқатга яқинроқдир. Шундан кейин бу асар бутун Шарққа ва Марказий Осиёга яна ҳам кенг тарқалади. Туркий тилга ҳам бир неча марта таржима қилинади.

Адабиётшунос олим Нажмиддин Комиловнинг «Бу қадимий санъат...» асарида ёзишча, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий» («Калила ва Димна») асарини Муҳаммадниёз бинни Мулло Нуруллоҳ Урганжий ал-Хоразмий 1838 йилда ўзбек тилига таржима қилади. Муҳаммадниёз Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бу таржимасига юксак баҳо беради. «Ўлик жон топқондек ва қари йигит бўлғондек» бўлиб, бутун Хуросон вилоятида машҳур бўлганлигини қайд этади {4.57}.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фонди катологида Ҳусайн Воиз Кошифий асарларининг 187 та қўлғезма нусхалари, 75 та тошбосма нусхалари рўйхати берилган. Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймон номидаги қўлғезма институти фондида ҳам Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бир неча асарлари нусхалари мавжуд {5.115}.

Хулоса қилиб айтганда, таржимачилик энг долзарб масалалардан биридир. Айниқса, биринчи-иккинчи уйғониш даври мутафаккирларининг асарларини араб, форс тилларидан ҳозирги узбек тилига ўгириш соҳасида амалга оширилган ишларни қониқарли деб бўлмайди. Чунки, ўтмишсиз келажакни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам юртимиз раҳбари Ислон цивилизация марказити ташкил қилиш орқали жаҳондаги машҳур асарларни мамлакатимизга олиб келиб Ўзбекистонни жаҳон лм-фани

марказига айлантормоқчилар. Бугунги кунда бадиий асарларни таржима қилиш соҳасида мамлакатимизда маълум тажрибалар тўпланган. Устоз, профессор Ғайбулло Саломов мамлакатимизда таржимоншунослик соҳасида маълум мактаб яратган олим ҳисобланади. Ғайбулло Саломовнинг таржимоншуносликка оид илмий-назарий асарларини чоп штиб бунги авлодга етказиш зарур вазифалардан биридир. Шунингдек, мамлакатимизда Чўлпон, Абдулла Қаххор, Кибрия Қаххорова, Озод Шарофиддинов, Асил Рашидов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Ғофуров, Рауф Парпи, Шоислом Шомухаммедов, Нажмиддин Комилов, Эргаш Очилов, Хамидулло Болтабоев каби таржимонларнинг ижод мактабларини бугунги ёш таржимонларга ўргатиш зарур.

Таклифларим:

1. Қўлёзма, тошбосма асарларни ўқий оладиган, аслиятдан таржима қила оладиган таржимонлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

2. Таржима қилинадиган асарларни биринчи, иккинчи, учинчи категорияларга ажратиш зарур.

3. Педагогик олий ўқув юртларида эски узбек ёзувини ўқитишни йўлга қўйиш лозим. Университет талабларига луғат билан ишлаш бўйича махсус курслар ўқитилиши керак.

4. Абдулла Қаххор, Озод Шарофиддинов, Иброҳим Ғофуров каби таржимонларнинг ижодий лабораторияси ҳақида махсус қўлланмалар тайёрлаб ёшларга етказилса яхти бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев: Янги Ўзбекистон стратеги яси. Тошкент-«Ўзбекистон»-2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тартиб қилиш тизимини знада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2017 йил 24 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2019 йил 31 декабр. № 1059.
4. Маънавият. Асосий тушунчалар луғати. Тошкент-2021.
5. Равшанбек Маҳмудов. Нотиқлик санбати ва нутқ маданияти. Дарелик. Тошкент. «Мумтоз сўз» нашриёти. 2021